



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 12-noyabr
Chorshanba № 17-18 (4514)

Қишлоқ хўжалик ишлари ўрганилди



Сурхондарё вилояти Ҳокими Улуғбек Қосимов Музработ туманига навбатдаги ташрифини амалга оширди. Ташриф жараёнида вилоятимиз раҳбари томонидан туманнинг олис ҳудудларида экилган кузги ғалла уруғларининг униб чиқиши кўздан кечирилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича масъулларнинг ҳисоботлари эшитилди. Ишларни тизимли ва сифатли ташкил этиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан туман масъулларига кўрсатмалар берилди.



Salomatlik posbonlari sharaflandi

Mamlakatimizda har yili noyabr oyining ikkinchi yakshanbasi tibbiyot xodimlarining kasb bayrami sifatida keng nishonlanadi. Muzrabot tumanidagi

«Koshona» tantanalar saroyida tuman tibbiyot sohasi vakillari uchun bayram dasturi tashkil etildi. Tadbirida Muzrabot tumani Hokimi Abdulla Mamatqulov qatnashdi.

Tumanimiz rahbari sog'liqni saqlash tizimi xodimlarini samimiy muborakbod aylab ularning xalq salomatligini muhofaza qilishdagi fidokorona mehnatini alohida e'tirof etdi.

To'kin va fayzli dasturxon atrofida davom etgan bayram tadbirida san'atkorlar ijro etgan kuy-qo'shiqlar sog'ligimiz posbonlariga ko'tarinki ruh va xush kayfiyat baxsh etdi.

Muzrabot tumani hokimligi Axborot xizmati.

18-noyabr — O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i qabul qilingan kun

«Bir Vatan, bir el, bir bayroq!»

18-noyabr — O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i qabul qilingan kun munosabati bilan yurtimiz bo'ylab «Bir Vatan, bir el, bir bayroq!» shiori ostida o'tkazilayotgan bayroq estafetasi Surxondaryo viloyati bo'ylab keng ko'lamda davom etmoqda.

Muqaddas bayrog'imiz, yurtimiz g'ururi va milliy faxrimiz ramzi bo'lmish O'zbekiston bayrog'i Muzrabot tumaniga ham tantanali tarzda olib kelindi. Tadbir davomida bayroqni qarshi olish marosimi yuksak ruhda, ko'tarinki kayfiyatda o'tkazildi.

Tantanali marosimda tuman hokimligi vakillari, tashkilot va muassasa xodimlari, yoshlar, o'qituvchilar, harbiylar hamda keng



jamoatchilik ishtirok etdi. Bayroq ostida «Vatan — muqaddas, bayroq — g'ururimiz!» shiori yangradi. Tadbir davomida vatanparvarlik ruhidagi qo'shiqlar yangradi, yoshlar

tomonidan she'rilar o'qildi, o'quvchilar ishtirokida bayroqni madh etuvchi chiqishlar namoyish etildi.

Muzrabot tumani hokimligi Axborot xizmati.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тумандаги хукукни муҳофаза қилувчи орган раҳбарлари, туман ҳокимлиги ходимлари ҳамда кун тартибидagi масалаларга алоқадор ташкилот ва корхоналар раҳбарлари қатнашдилар.

Сессия ишига 16-Байналмилал сайлов округидан депутат С.Нурмахматов раислик қилди.

Сессияда дастлаб туман сайлов комиссияси раиси А.Йўлдошев 2025 йил 19 октябр кuni ўтказилган халқ депутатлари туман Кенгашининг 21-Гулистон сайлов округида бўшаб қолган ўринга депутат сайлови натижалари тўғрисида ахборот берди. Маълумот учун: 21-Гулистон сайлов округида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Музработ тумани Кенгаши томонидан номзод кўрсатилган Музработ тумани Ҳокими Абдулла Абдимўминович Маматқуллов халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши депутати этиб сайланди ва туман сайлов комиссиясининг қарори билан рўйхатга олинди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сурхондарё вилоятининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 13 декабрдаги ПҚ-438-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида» Музработ тумани Ҳокими А.Маматқуллов, «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 5 март кuni Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб туманда жиноятчиликни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳамда

келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида» туман прокурори И.Хўжамуродов, «Туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, шунингдек, жамоат хавфсизлиги юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида» туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ф.Бадалов, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги 223-сон Фармони ижроси, 2025 йилда Музработ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган даври давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳамда 2025 йил 3-чорак якунида жамоатчилик фидоиси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг ҳисоботи ҳақида» туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов маъруза қилдилар.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан муҳокама этилган: «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг тумандаги ижроси ҳақида»ги; «Музработ тумани адлия бўлими бошлиғининг 2025 йил 3-чораги давомида тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма

ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти тўғрисида»ги;

«Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси туман бўлими томонидан Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи»;

«Туманда соғлиқни сақлаш, хусусан, тез тиббий ёрдам, кафолатланган бепул тиббий ёрдамни кўрсатилиши ҳолати ҳақида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг ҳисоботи ҳақида»ги;

«Туман ёшлар ишлари бўлими раҳбарининг тумандаги ёшлар муаммоларининг ҳал этилишига кўмаклашиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисоботи»;

«Музработ тумани бўйича 2025 йил 1 октябрдан 2026 йил 1 апрелга қадар суғориш ишлари учун ажратилган сув лимитини тасдиқлаш тўғрисида»ги;

«Музработ туманидаги аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини 2026 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда депутатлар кун тартибидa муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз муносабатлари, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Statistik ma'lumot

Muzrabot tumanida 2025-yil yanvar-sentabr oylarida asosiy ko'rsatkichlar

SANOAT

Dastlabki ma'lumotlarga asosan, 2025-yil yanvar-sentabr oylarida Muzrabot tumanida faoliyat ko'rsatayotgan sanoat korxonalari tomonidan 698,9 milliard so'mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilishiga erishildi. Tumanda 2024-yilning shu davriga nisbatan o'sish sur'ati 109,6 foizni tashkil etdi.

XIZMATLAR

Xizmatlar sohasini rivojlantirish ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirishning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. 2025-yil yanvar-sentabr oylarida xizmatlar hajmi 742,0 milliard so'mni, o'sish sur'ati esa o'tgan yilning mos davriga nisbatan 114,8 foizga yetdi. Shundan aloqa va axborotlashtirish xizmatlari 38,4 million so'm, moliyaviy xizmatlar 86,6 million so'm, transport xizmatlari 127,5 million so'm, savdo xizmatlari 347,8 million so'm va boshqa turdagi xizmatlar 141,7 million so'mga to'g'ri keladi.

ASOSIY KAPITALGA KIRITILGAN INVESTITSİYALAR VA QURILISH ISHLARI

2025-yil yanvar-sentabr oylarida 865,5 milliard so'mlik asosiy kapitalga investitsiyalar kiritilib, o'sish sur'ati 2024-yilning shu davriga nisbatan 230,3 foizni tashkil etdi. Shuningdek, 2025-yil yanvar-sentabr oylarida 226,7 milliard so'mlik qurilish ishlari

bajarilib, o'sish sur'ati 2024-yilning shu davriga nisbatan 114,8 foizga yetkazildi.

QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRISH

Qishloq xo'jaligi sohasida 2025-yil yanvar-sentabr oylarida jami 2176,4 milliard so'mlik ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatildi. Bu 2024-yilning shu davriga nisbatan 100,2 foizdan oshdi.

CHAKANA SAVDO

AYLANMASI

Joriy yilning yanvar-sentabr oylarida chakana savdo tovar aylanmasi 853,3 milliard so'mni yoki 2024-yilning shu davriga nisbatan 108,5 foizni tashkil qildi. Shundan yirik korxonalarning chakana savdo tovar aylanmasi 7 milliard so'mga uddalandi. Umumiy chakana savdo tovar aylanmasidagi ulushi 0,8 foizga o'sdi. Kichik korxona va mikrofirmalarning tovar aylanmasi 846,3 milliard so'mga yetdi, umumiy chakana savdo tovar aylanmasidagi ulushi esa 99,2 foizdan ortdi.

TASHQI SAVDO

Muzrabot tumanida tashqi savdo aylanmasi 2025-yilning yanvar-sentabr oylarida 20983,9 milliard AQSH dollarini tashkil qildi, shundan eksport 12452,1 ming, import 8531,8 ming, shuningdek, tashqi savdo sal'dosi 3920,2 ming, AQSH dollarini tashkil etdi.

Muzrabot tumani statistika bo'limi.

Ўйлаб кўринг

«Мажбурий» обуна тарафдориман...

Бир неча йил муқаддам Тошкент вилоятидаги туман халқ таълими бўлими (ҳозирги туман мактаб ва мактабгача таълим бўлими)дан бирининг мудирини обунани ташкил этгани учун лавозимидан озод қилишди. Хатто қаерда обуна яши йўлга қўйилса, ўша жой танқидга нишон бўлди.

Нима эмиш, газетга журналларни ўқиш дарс жараёнида алоқадор эмас эмиш. Нима эмиш, мажбурий обуна жуда катта хато эмиш. Дала ишларида қатнашиш, кўчаларни тозалаш дарсларга алоқасиз дейишга, тушунарли бўларди. Ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни таъкидлаш, илғор иш тажрибаларини тарғиб қилиш қачондан буён кундалик турмушимизга зид бўлиб қолди?!

(Давоми 2-бетда.)

Оролбўйи тақдири ва келажаги учун

Муҳим ташаббуслар аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 23 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йўбилей сессиясидаги нутқи мамлакатимиз нуфузини янада оширди ва жаҳон ҳамжамияти олдига турган энг долзарб геосиёсий, иқтисодий, таълим,

ижтимоий ва экологик муаммоларга бағишланди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, экологик муаммолар бўйича тобора кескин тус олаётган иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги ва иқлим миграцияси масалаларига алоҳида тўхталиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ ташаббусларни

илгари сурди.

— Хусусан, Президентимиз Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари инсоният тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаб, бу ҳудудни қайта тиклаш ишлари изчил давом этётганини билдирди. Сўнгги йилларда денгизнинг қуриган тубида 2 мил-

Munosib mukofot

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi tashkil etilganining 34 yilligi munosabati bilan partiyaning dasturiy maqsadlarini targ'ib qilish, uning siyosiy ta'sirini kengaytirish, mamlakatimiz mustaqilligini mustahkamlash va iqtisodiy qudratini yuksaltirish yo'lida alohida tashabbus ko'rsatgan partiya faollari "O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi iftixon" ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

Taqdirlanganlar orasida Muzrabot tumanida ko'p yillar partiya tizimida samarali faoliyat olib borib, xalq orasida partiya

g'oyalari va dasturiy maqsadlarini targ'ib etish, aholiga har tomonlama ko'maklashish yo'lida fidokorona mehnat qilgan mehnat faxriysi Panji Normatov ham bor.

Mukofot bilan Panji Ergashovichni tumanimizdagi barcha partiyadoshlarimiz nomidan chin yurakdan tabriklaymiz. Kelgusidagi faoliyatlarida ulkan zafarlar, omad va xalq manfaati yo'lida sidqidildan xizmat qilishlarida muvaffaqiyat tilaymiz.

T.TANGIROV, xalq deputatlari tuman Kengashi deputati, partiya faxriysi.

Касаба уюшмаларининг 120 йиллигига

Байрам нишонланди



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Музработ тумани бўлимида тумандаги мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 89 та бошланғич ташкилотларда касаба уюшмалари кuni ҳамда касаба уюшмаларининг 120 йиллиги байрами муносабати билан тадбирлар ўтказилди. Касаба уюшмаси фаоллари эсдалик совға ва «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирланди.

Шунингдек, байрам муносабати билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлини ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамкорлигида спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича туман босқичининг мусобақалари ўтказилди. Шодиёна қатнашчиларига байрам дастурхони ташкиллаштирилди. Фолибларга «Фахрий ёрлик» ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

лион гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилиб, кенг кўламли яшил ҳудудлар яратилди. 2030 йилга қадар ушбу майдоннинг 80 фоизини яшил қопламалар билан таъминлаш режалаштирилгани экологик хавфсизликни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга. — дейди Экология вазирлиги хузуридаги Оролбўйи халқроқ инновация маркази директори Бахитжон Хабибуллаев.

(Давоми 4-бетда.)

Ўйлаб кўринг

«Мажбурий» обуна тарафдориман...

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўйлаб кўринг, ўзингиз сотиб олган автомашина учун мажбурий сугурта бор. Лекин бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Нотўғри демайди. Ўзимнинг машинам, эҳтиёт қилиб ҳайдайман. Керак бўлса, бирор муаммо чиқса, ўзим ҳал қиламан, дея аюҳаннос солмайди. Жимгина ҳар йили сугурта полисини сотиб олади. Мажбурий ҳарбий хизмат ҳам муқаддас бурч. Ундан бўйин товлаш жиноят ҳисобланади. Мажбурий таълим – янада тўғри ва тушунарли. Лекин... маърифат ва маънавият зийсини улашувчи матбуот нашрларига обуна бўлинг дейишса, буни қўйиб берсангиз, жиноятга, ноқонуний бир ёмон ишга тенглаштиришни истовчилар топилади.

Тўғри, ҳар ким ўзи истоган газета-журналга обуна бўлишга ёки бўлмасликка ҳаққи бор. Ҳеч ким “фалон нашрни ўқийсан”, дея мажбурлаши мумкин эмас. Аммо шу ўринда масаланинг бошқа томонини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Айтайлик, китобхонлик масаласи. Агар биз фарзандларимизга ёшлигидан “уни ўқи, буни ўқи” демасак, китобга ошно қилмасак, улар китоб мутолаасига меҳр қўядими? Ёки одам боласи ўз-ўзидан китобхон бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Шу боис газета-журналларга обуна бўлиш масаласида тарғибот-ташвиқоти, қўллаб-қувватлашни кучайтириш керак. Зеро, “мажбурий”, “ихтиёрий”, “обуна бўл десанг, ўзингдан кўр”, “фақат битта газетага обуна бўлсанг етади” деганга ўхшаш дўқ-пўписалар, огоҳлантиришлар бутунлай лугатимиздан олиб ташланиши шарт. Шунинг учун жойларда ҳокимият, вазирлик ва идоралар нашрларга обуна бўлиш учун тавсиявий қўйишдаги режаларни бемаъл ол ишлаб чиқишлари мумкин бўлиши керак эмасми? Ҳозир эса вилоят, туман, шаҳар раҳбарлари ҳам ҳатто ўзлари муассис бўлган нашрлар учун ақалли тавсиявий хатлар чиқаришга

чўчиб қолишган.

Хўш, нима қилмоқ керак? Обунани ўз ҳолига ташлаб қўйиш керакми? Ҳаммага маълумки, ўз ҳолига ташланган иш барбод бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Одам боласининг табиатида танбалликка, дангасаликка мойиллик борлиги турган гап-ку!

“Бизга обуна нимага керак? Мана, ҳамма нарса телефонимда бор-ку”, деяётган раҳбарнинг биринчи галда маънавий олами қандай эканини ўйлаб кўрадиган вақт етди, назаримизда. Негаки, жойларда бўлганимизда, одамлар билан суҳбатлашиш асносида матбуот ходими эканимизни айтсак, асосан: “Ҳа, ҳозир одамлар газета-журнал ўқймай қўйишди-я”, дейишади. Бу гап гўё “сизлар беҳуда ишляпсизлар-да” дегандек эшитилади.

Шу мавзуда гап кетганда, ОАВ қаторида бўлган матбуот ва ижтимоий тармоқ, интернет нашрларини бирибирига қарши қўйиш ҳоллари учраётгани сир эмас. Аслида, ҳар иккала тараф ҳам тингловчилар ва ўқувчиларга кўпроқ маълумот етказишдан манфаатдордирлар.

Шубҳасиз, улар бир-бирларини тўлдирдилар ва бу йўлда мақсад сари муайян марраларга эришилмоқда. Биз ҳеч қачон “фақат матбуот амал қилсин, ижтимоий тармоқ, сайтлар нари турсин”, дейишга ҳаққимиз йўқ. Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида ижтимоий тармоқлар ҳам, интернет нашрлари ҳам, босма нашрлар ҳам ёнма-ён яшамоқда. Ким ўқувчилар қалбидан кўпроқ, ишончлироқ жой эгалласа, қандини урсин! Яъни нашрларнинг янги ва таъсирчан шакллари борлишига интилишини соғлом рақобат сифатида қабул қилиш керак. Очик тан олайлик, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар масала моҳиятини лўнда шаклда ва тезкор етказишди. Аммо кўп ҳолларда бирёқламалик, шошма-шошарлик ҳолатлари учрайди. Савод-

хонлик масаласини айтмасак ҳам, ўқимишли одам кўриб, билиб турибди.

Матбуот нашрларига келсак, уларда биринчи галда ўткир мулоҳаза, кенг таҳлил ва атрофлича мушоҳада юритиш устунлик қилади. Ўзоқни кўзловчи, ўқувчининг қалб тўрига етиб борадиган мақолалар албатта кўпайиши керак.

Яширишга ҳожат йўқ, даврий нашрларга обуна бўлиш кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб борапти. Бундан ўн-ўн беш йил олдин 100 минглаб нусхада чиққан нашрлар бугун ўн-йигирма баробар кам одамлар чоп этилапти. Хўш, шу тарзда пастга шўнғиб бораверилса, охири нима бўлади? Саволни янада кўндалангрок қўяйлик: қайёққа қараб кетяпмиз? Матбуотдан юз ўгириш, ундан мусово бўлиш ҳеч кимни яхшиликка элтмаслиги аниқ-ку! Мабодо чиндан ҳам, босма нашрлар “ортиқча” бўлса, нима учун энг ривожланган давлатлардаги қатор газета ва журналлар ҳамон юз минглаб нусхаларда чоп этилмоқда? Нима учун АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Англия, Польша, Франция ва бошқа илғор юртлар босма нашрлардан воз кечмаяпти? Буларни ўйлаб кўриш, ибрат олиш, улги олиш шунчалар қийинми?

Ўзбекистон – илм-фанда, маданиятда, мафкурада эл-юрт назарига тушган мўътабар инсонлар Ватани. Буюк тамаддунлар бешиги. Халқимизни эзгу, ижобий қадриятлар асосида тарбиялаётган устозларимиз, умуман, ўзини зиёли деб ҳисоблайдиган юртдошларимиз нахотки бу инқирозни сукут сақлаб қарши олишса? “Зиёли” сўзи ўзбек тилининг изоҳли лугатида “ақлий меҳнат билан шугулланувчи; илмми, ўқимишли, маърифатли” деган таърифда ифодаланган. Чин зиёли ҳаётда фақат ўзи учун эмас, бутун жамият аъзоларининг савияси учун ҳам масъулдир.

Ўзбек адабиётида муҳим из қолдирган адиблардан бири Худойберди Тўхтабо-

ев (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бир йигинда: “Мен ҳалқимиз савияси ҳақида ҳамиша ўйга ботаман” деб жон куйдирганида нақадар ҳақ эди. Жамиятнинг олдинги сафида бораётган зиёлилар эл-юртнинг нафакат бугуни, балки эртаси учун ҳам ана шундай муносабатда бўлиши керак, албатта. Хусусан, биринчи навбатда босма нашрларни қўллаб-қувватлашлари, ўзлари қизикқан нашрларга обуна бўлишлари шарт. Мана, тунув кунни телевидениеда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим: “Бизда қанча адабиёт муаллими бор, нега улар ҳеч бўлмаса “Шарқ юлдузи”ни ўқишмайди?” дея қуюнчақлик билан фикр билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги ўқитувчилар, бошқа нашрларни қўйинг, ўзларининг касбий соҳасига тааллуқли нашрларни ҳам “унутиб” юбориш даражасига етиб қелишган, десак хато бўлмаса керак!

Шу ўринда газета-журналларга обуна бўлишининг яхшиланишига ҳалақит бераётган яна бир ҳолат бор. Бу нашрларни обуначига ўз вақтида етказиш муаммоси. Биз яхши эслаймиз, илгари маҳалла оралаб юрувчи почта-тальонларни кўпчилик хурсандчилик билан кутарди. Энди хат-хабарни, матбуот нашрларини эгасига етказиш пала-партиш ҳолатда. Баъзи жойларда кундалик газеталарни ҳафта, ўн кунда, ҳатто ундан ҳам кечиктириб олиб келишади. Бу соҳада тартиб ўрнатиш баъзилар назарида мураккабдек туюлади. Бизнингча, тартибга олиш қийин эмас. Қаранг, машинага тезлигини оширган, ўрнатилган қоидаларни бузган ҳайдовчиларга жазима қўғозлари ўз вақтида етказиляпти-ку! Демак, ҳаммасини йўлга қўйиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бир неча йил муқаддам ўқитувчилар билан мулоқотлари чоғида “Мажбурий обунани йўқотамиз деб, ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик” дегани ҳамон

ёдимизда. Ушанда ахборот технологияси ривожланган мамлакатларда босма нашрлар миллионлаб нусхаларда чоп этилиши мисол сифатида айтилганди. Шу сўзларни дилимизга тугиб, кимлардан ўрнатилишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўрайлик. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун, шаксиз, матбуот ҳам керак бўлади. Қолаверса, газета-журнал ўқимаган китоб ўқишни ҳам ёлчитмаса керак.

Қанчон, одам боласига болалигидан ўқиш, мутлоаа ҳикмати, завқи сингдириб борилса, у ҳеч қачон бесамар кетмайди. Ақсинча, бугунги кундагидек фақат телефон ё интернетга қарамлик кучайиб кетар экан, бизнинг “мажбурий обуна” дея қилаётган хавотирларимиз, “меҳрибончилигимиз” алаҳқибат сариқ қақага қиммат бўлиб чиқиши муқаррар. Ахир бунинг кўринишлари, ҳосилалари аллақачон турмушимизда ўз аксини кўрсатмоқда. Бунга бугунги ижтимоий тармоқлардаги “хаёт манзаралари”нинг ўзи яққол мисол, кўзгу эмасми?

Хуллас, матбуотни қўллаб-қувватлаш, асраб қолиш зарур. Бунинг учун эса обунани биринчи галда фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган мактаблардан, олий ва ўрта махсус таълим масканларидан, яна маҳаллалардан, маданият ва санъат муассасалари, қўйингки, жамияти ташкилот ва корхоналар жамоаларидан бошлаш керак бўлади. Бу йўлда ҳоҳиш бўлса, истак бўлса, ечим албатта, топилади. Маблағларнинг обунага “етмай” қолиши мумкин эмас. Зеро, кейинги етти-саккиз йилда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шунча улғувор ишлар, бунёдкорликлар, улкан ислохотлар рўёбга чиқарилаётган экан, биз обуна масаласини ҳал қила олмаймизми? Улуғ миллатимиз, халқларвар ҳукуматимиз бу масаланинг ижобий ечимини албатта, топади деган ишончимиз бор.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

(«Hurriyat»дан олинди.)

Академик Аҳмадали Асқаров 90 ёшда

МЕҲНАТЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ОЛИМ

Олимлар – туну кун изланишдан, меҳнатдан тўхтамайдиган, илм йўлидаги машаққатларни писанд қилмайдиган инсонлар. Уларнинг заҳматли меҳнатлари само сирларидан бизни огоҳ қилади, ер қаърига беркинган тарихни жонлантиради. Ана шундай олимлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Аҳмадали Асқаров.



Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, юртимиз бой тарихини ўрганиш ва тарғиб этишга қўшган катта ҳиссаси, иқтидорли олимларни тайёрлашдаги ибратли фаолияти учун Тошкент давлат педагогика университети профессори, академик Аҳмадали Асқаров “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Мазкур мукофотни олим таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Фанлар академиясида ўтказилган халқаро-илмий конференцияда Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов тантанали топширди. Шундан сўнг академик Асқаровнинг археология фанидаги бекиёс хизматлари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихининг ўрганилишига қўшган ҳиссаси ҳамкасблари ҳамда шогирдлари томонидан алоҳида эътироф этилди.

– Аҳмадали Асқаров нафақат шогирдлариغا, балки тарихга қизиққанлар, талабалар, магистрларга билим бериб, тўғри йўлни кўрсата олади, – дейди олимнинг шогирди Тошкент Амалий фанлар университети профессори Нигора Эгамбердиева. – Устоз Ўзбекистон тарихи фанига ҳам катта ян-

гиликлар киритган. Шулардан энг муҳими Ўзбекистон давлатчилиги тарихи даврини 4 минг йиллик деб белгилаб берди. Бу, ўз навбатида Ўзбекистон тарихи фанида энг катта туб бурилиш ҳисобланади. Аҳмадали Асқаров бутун илмий фаолияти давомида академик Я.Ф.Фулмонов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси сифатида археолог кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериб келди. Унинг шахсий ташаббуси билан Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск каби йирик марказларида ўнлаб ўзбекистонлик ёш мутахассислар таҳсил олди.

Шунингдек, олий ўқув юртлари учун 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланмаси, 8 та ўқув-услубий ишлар, ўрта мактаб 5-синф тарих фани ўқитувчилари учун қўлланма тайёрлаб чоп этди. Ушбу қўлланма қорақолпоқ, рус, тожик, қирғиз ва туркман тилларига таржима қилиниб, кўп нусхада мактабларга етказилди. Аҳмадали Асқаров саяёҳаракатлари ва бевосита раҳбарлигида 1994 йилда «Ўзбекистон тарихи»дан ўрта мактабларнинг 6-9 синф ўқувчилари учун дарслик-қўлланмалар тайёрланиб, улар А.Асқаров тахрири остида кўплаб нусхада нашр этилди. Жорий йилда эса ўрта мактабнинг 5-синфлари учун “Тарихдан ҳисоялар” номли дарслик яратди.

Олимнинг бу каби меҳнатлари эътироф этилиши ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб, уларни илмга қизиқтириш, изланишга ундаш ҳамда илм аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборни кучайтиради.

Нигора РАҲМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Тахририятдан

Музработликлар миннатдорлиги

Аввало, “Muzrabot” газетаси тахририяти кўп сонли газетхонлари номидан академик Аҳмадали Асқаровни таваллудининг 90 йиллиги ва юксак давлат мукофоти – “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани учун самимий муборакбод этади. Таникли олимимизга сихат-салооматлик ва кўп йиллар умр кўришларини тилайди.



Академик Аҳмадали Асқаровнинг илмий фаолиятида Музработ тумани ҳам алоҳида ўрин тутади. Туманимизнинг Сополитепа маҳалласи ҳудудида жойлашган шу ном билан аталувчи қадимий ёдгорлик тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишда олимнинг беқиёс илмий-археологик хизматлари бор.

Мархум қадимшунос Полвон Шоимовнинг “Музработ – қадимий диёр” рисоласида қайд этилганидек, Сополитепа Шеробод-Бешкўтон чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан олиб борилган археологик қидирув вақтида топилган. Археолог Аҳмадали Асқаров бошчилигидаги экспедиция 1969 йилдан 1975 йилгача қазих ва қидирув ишларини олиб борган. Ушанда олти йил мобайнида Сополитепаннинг марказий қалъа қисми тўла илмий-методик қазилар асосида очилган. Бу ёдгорлиқнинг

илмий қиммати унинг тўлалигича очилишида эди. Чунки дигар аҳолида бронза даври ёдгорлиги ҳали ҳеч қаерда очилмаган эди. Бу борада Сополитепа ҳозиргача ягона ёдгорлик бўлиб келмоқда.

Сополитепаннинг марказий қалъа қисми 82х82 метр квадрат шаклида бўлиб, ундан 150 дан кўпроқ уй-жой бинолари қолдири, 8 та кўча, сопол пиширадиган 18 та хумдон, 60 та хўжалик ўчоғи ва 138 та қабр топилиб ўрганилган. Ҳозирда харобалар кўринишидаги бу жойда миллоддан аввалги 1700-1500 йилларда ҳаёт гавжум бўлганлиги аниқланган.

Мухтасар айтганда, Музработ заминининг инсон ашаган қадим маскан эканлигини илмий асослашда ҳурматли академикимиз Аҳмадали Асқаровнинг беқиёс хизматлари борлигини алоҳида эътироф этмоқ жоиздир.

Ўзбек тили сунъий интеллект воситалари орқали қўллаб-қувватланади

2025 йил 20 октябрь куни “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Унда ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор вазифалар ўз аксини топди. Бу ҳужжат моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Наврўзбек ЮСУПОВ ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

– “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори фақат бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиёти, миллат маънавияти ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли стратегик ҳужжатдир.

Қарор орқали давлат тили – ўзбек тилининг қонуний мақоми янада мустаҳкамланди. Энди нафақат қонунда белгиланган, балки амалиётда ҳам давлат тилидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади. Бошқарув органларида маънавият ва давлат тили бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши эса бу йўналишдаги масъулиятни институционал даражада таъминлайди.

Шунингдек, қарорда белгиланганидек, мактабгача таълимдан то олий таълимгача бўлган барча босқичларда ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш

орқали ўзбек тили рақамли дунёда муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди. Электрон лугатлар, атамалар реестри, AI-платформалар яратилиши тилнинг замонавий муҳитда яшовчанлигини кафолатлайди.

Қарорда хориждаги ватандошларимиз, миллий маданий марказлар ва чет эллик талабалар учун яратилаётган қулайликлар – тил орқали юрт билан боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу давлат тилини нафақат ички, балки халқаро миқёсда ҳам тарғиб қилишнинг муҳим йўлидир. “Жонажон ўзбек тилим”, “Ўзбек тили – қалбим таржимони”, “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” каби танловлар орқали ижодкорлар, ўқитувчилар ва ёшлар тил ривожига амалий ҳисса қўшади. Бу – ижодий рақобат орқали миллий тилни ҳаётга татбиқ қилиш деганидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки миллий ўзлик, маънавият, ифтихор ва тараққиёт стратегиясидир.

Мухтарама КОМИЛОВА
ёзиб олди.
ЎЗА.



Mualliflik va turdosh huquqlarni himoya qilish

DAVR TALABI

Bugungi kunda axborot texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan bir sharoitda mualliflik va turdosh huquqlarni himoya qilish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

O'zbekiston Respublikasida ijodkorlar, san'at va madaniyat sohasi vakillarining huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida"gi Qonun hamda sohadagi boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlar ijod mahsulotlarini qonuniy himoya qilishning mustahkam asosini yaratib bermoqda.

Muzrabot tumani adliya bo'limi tomonidan "San'at va ijod himoyasi oyligi" doirasida san'at va ijod ahli, ommaviy axborot vositalari vakillari hamda blogerlar ishtirokida uchrashuv va muloqotlar tashkil etilmoqda. Tadbirlar davomida fuqarolarga mualliflik va turdosh huquqlarni ro'yxatdan o'tkazish tartibi, ularni buzilishidan himoya qilish

Bekzod ISLOMOV,
tuman adliya bo'limi Davlat xizmatlari markazi direktori.



Мотурудийлик таълимоти

СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД АСОСЛАРИ

VII асрда Ислом дини келганидан сўнг Пайгамбаримиз алайҳиссалом дин таълимотларини босқич-ма-босқич баён қилиб, уни мусулмонларга мукамал тарзда етказдилар. Саҳобалар ушбу таълимотни маҳкам ушлаб, уни бошқа юрт ва халқлар орасида ёйдилар. Ҳазрати Али розияллоху анҳу даврига келиб, мусулмонларни гуноҳ сабабли кофирликда айблайдиган хорижийлик тоифаси юзага келди. Кейинги даврларда эса юнон фалсафасидан таъсирланиш натижасида дин ҳукмларини англашда ақлни шаръий матн ва қоидалардан устун қўювчи мўътазилийлар, фарз ибодатлар ва охиратни инкор этувчи қарматийлар каби тоифалар пайдо бўлди. Шу билан бирга, ахён-ахёнда худосизлик даъволарини илгари суриб, мусулмонлар орасида шубҳа тарқатувчилар ҳам учраб турар эди.

Дастлаб Абу Ҳанифа каби олимлар ислом таълимотини бу каби нотўғри эътиқодлардан ҳимоя қилиш зарурати янада кучайди. Бу заруратни амалга оширишда бир замонда, аммо турли ҳудудларда фаолият олиб борган самарқандлик имом Мотуридий ва ироқлик имом Ашъарийдек икки забардаст олим жонбозлик кўрсатдилар. Улар ислом ақидасини турли шубҳа ва бидъатлардан ҳимоя қилиш йўлида асарлар ёзиб, баҳс-мунозаралар олиб бордилар.

IX–X асрларга келиб ислом таълимотини ана шу каби бузуқ эътиқодлардан ҳимоя қилиш зарурати янада кучайди. Бу заруратни амалга оширишда бир замонда, аммо турли ҳудудларда фаолият олиб борган самарқандлик имом Мотуридий ва ироқлик имом Ашъарийдек икки забардаст олим жонбозлик кўрсатдилар. Улар ислом ақидасини турли шубҳа ва бидъатлардан ҳимоя қилиш йўлида асарлар ёзиб, баҳс-мунозаралар олиб бордилар. Бу йўлда салафи солих уламолар йўлига асосланган усул ва қоидаларини ишлаб чикдилар. Уларнинг йўлини шогирдлари давом эттириб, бошқа ўлкаларга ёйишда хизмат қилдилар.

Шу тариха мусулмонларнинг иймон-эътиқодини турли шубҳалардан ҳимоя қилувчи икки йирик мактаб юзга келди. Бу мактабларнинг бири Мовароуннахрда юзга келган мотуридийлик таълимотидир. Бутун мусулмон дунёси ҳар икки таълимотни Пайгамбаримиз суннати ва мусулмон уммати бирлигини ўзида ифода этган тўғри йўлдаги таълимот сифатида бугунга қадар эътироф этиб келмоқдалар.

Имом Мотуридий имом Абу Ҳанифанинг анъанавий, яъни ақидавий мавзуларни тушуниш ва талқин қилишда фақат Қуръон ва ҳадисга асосланган мазҳабига ўша давр мухити тақозосига кўра манتيкий далилллаш услубини

Bilasizmi? Xodimlarning ishlanmaydigan bayram kunlari

Quyidagi kunlar ishlanmaydigan bayram kunlaridir:

1-yanvar – Yangi yil;
8-mart – Xotin-qizlar kuni;
21-mart – Navro‘z bayrami;
9-may – Xotira va qadrlash kuni;
1-sentabr – Mustaqillik kuni;
1-oktabr – O‘qituvchi va murabbiylar kuni;
8-dekabr – O‘zbekiston

Respublikasi Konstitutsiyasi kuni;

Ro‘za hayit (Iyd al-Fitr) diniy bayramining birinchi kuni;
Qurbon hayit (Iyd al-Adha) diniy bayramining birinchi kuni.

Dam olish kuni
ishlanmaydigan bayram kuniga to‘g‘ri kelgan taqdirda, dam olish kuni bayramdan keyingi ish kuniga ko‘chiriladi. Bunda

Глобал муаммо

ОДАМ САВДОСИ – АСР ВАБОСИ

Бугунги кунда одам савдоси глобал масалалардан бири бўлиб, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг жиддий муаммолардандир. Одамлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш, мажбурий меҳнат, болаларни эксплуатация қилиш, уй қуллиги, тиланчиликка мажбурлаш, одамлардан уларнинг иродасига қарши тарзда турли жирканч иллатларга жалб этиб фойдаланиш, қолаверса, инсон танасининг турли аъзоларини сотиш, буларнинг ҳаммаси жиноятнинг турли шавқатсиз қўрнишларидан. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили минглаб аёл ва эркаклар шунингдек, болалар турли давлат чегараларини босиб ўтиб, бевосита ва билвосита қилинадиган ўзрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо ва эксплуатациянинг қурбонига айланиб қолмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган

одам савдоси муаммоси бугунги кунда ривожланаётган давлатлар билан биргаликда ривожланган мамлакатлар олдида ҳам ўз ечимини кутаётган жиддий масалалардан бирига айланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 5 миллионга яқин инсонлар мазкур жиноий фаолиятнинг таъсиридан жабр кўради. Одам савдосининг жабрдийдалари асосан эркаклар, аёллар ва болалардир. Кўпчилик ҳолатларда, яъни 50 фоизгача унинг жабрланувчилари эса шахвоний эксплуатацияга жалб қилинаётган ёш қизлар ва аёллар бўлиб қолмоқда. Одам савдоси – жирканч бу иллат бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи қурбонига айланиб қолмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган

“Итхоф сода ал-муттақин фи шарҳ ихё улум ад-дин” номли асарида Мотуридийни шундай тилга олган: “Имом Мотуридий дин учун курашувчи, аҳли сунна вал жамоа ақоидини мустаҳкамловчи олим эди. У мўътазилийлар ва бошқа турли оқимларнинг эътиқодларига кескин зарба берарди. Мотуридий улар билан бўлган баҳс-мунозараларда шундай йўл олиб борардики, оқибатда уларнинг озини ёпиб қўярди. Шу сабабли ўша давр уламолари уни “имом ал-худа” – “ҳидоят имоми” деб аташарди”.

Абдуллоҳ Мароғий “Ал-Фатҳ ал-мубин фи табақот ал-усулийин” номли асарида Мотуридий ҳақида шундай деган: “Абу Мансур ниҳоятда ҳужжати кучли, тортишувда эса олов каби шиддатли мутакаллим ҳамда мусулмонлар ақидасини астойдил ҳимоя қилувчи шахс эди. У бетакрор илми билан адашганларнинг шубҳаларига раддия берар ва соф ислом ақидасини ўзига арашлатириб юборган бидъат фоялардан тозалар эди”.

Бугунги кунда мотуридийлик таълимоти Ўрта Осиё, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Татаристон ҳудудларида, қолаверса, Миср, Сурия, Ироқ каби араб давлатларида қисман тарқалган бўлиб, дунё мусулмонларининг 40 фоиздан ортиқроқ қисми ушбу таълимот асосида эътиқод қиладилар.

Маълумки, ҳар бир диннинг асосида эътиқод муҳим ўрин эгаллайди. Эътиқод – кишининг муайян мақсад, ғоя, таълимот, шунингдек, бирор ҳодиса, борлик мавжудлиги ва унинг хусусиятлари ҳаққоний эканлигига ишончидир. Демак, ишонч эътиқоднинг асосини ташкил этади. Бироқ ҳар қандай ишонч ҳам эътиқодга айланмаслиги мумкин.

Эътиқод билим (илм)сиз ҳам вужудга келиши мумкин (мисол учун кўр-қўрона, тақлидий эътиқод турлари). Лекин у соғлом ва мустаҳкам бўлиши учун асосли билан зарур бўлади. Бунда билим ақлга, мантиққа таяниши ҳам, нақлий далиллар, яъни илоҳий манбаларга асосланиши ҳам мумкин. Одатда, эътиқод деганда диний эътиқод тушунилади. Аслида, эътиқод диний ҳам, дунёвий ҳам бўлиши мумкин. Диний эътиқод ғайритабиий кучлар ва ҳодисаларга ишониш, сигиниш орқали шакл-

ланса, эътиқоднинг дунёвий қўриниши эса инсонни ўраб турувчи объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий тажриба ва илмий билиш асосида шаклланади.

Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турли динларда эътиқод объекти турлича бўлади. Жумладан, анимизм, тотемизм, фетишизм билан боғлиқ тасаввурларда ғайбий кучлар, табиат ҳодисалари, жонзотлар ва буюмларни мисол қилиш мумкин. Ислом динида эътиқодга оид масалалар илоҳий манба ҳисобланадиган Қуръонни қарим оятлари ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари билан белгилаб берилган.

Мотуридийлик ақидаси Қуръон, ҳадис ва ақл-идроқ, мантиқ ва ҳақиқатга яқин экани билан бошқа таълимотлардан ажралиб туради. Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти билан боғлиқ ақсарият фикрларини “Китоб тавҳид” асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: “Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир”.

Мутакаллим ислом илоҳиётидаги қазо ва қадар (яъни инсон тақдир) ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён этган. У инсонда танлаш эркинлиги бор деган иборани қўлаган. Яъни инсон қандай ишни лозим топса, ўшани бажариши керак. Аллома инсон қандай йўлни танлаши ўз ихтиёрида эканига алоҳида урғу беради. Бу эса ҳозирги демократиянинг асосини ташкил этади.

Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, ҳанафий таълимотининг Ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ эканини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. Кейинчалик, бу таълимотнинг ривожланишига, сайқалланишига қўлпаб алломаларимиз ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, Абул Юср Паздавий, Абул Муин Насафий, Абул Баракот Насафий, Абу Ҳафс Насафий каби олимлар шулар жумласидан бўлиб, уларни алоҳида тилга олиш жоиздир.

Элдор МЕНГЛИЕВ, Шерали МЎМИНОВ, туман ИИБ тезкор кидирув хизмати ходимлари.

Dam olish kunlaridan va ishlanmaydigan bayram kunlaridan xodimlarning oqilona foydalanishi maqsadida dam olish kunlari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni bilan boshqa kunlarga ko‘chirilishi mumkin.

A.XAMRAYEV, Muzrabot tumani adliya bo‘limi yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti.

кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. 26-моддасида эса:

Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарсa уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қўноққа солиниши, ўзравонликка, бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёҳуд базогодучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуни қабул қилинган.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро бу жирканч иллатга қарши курашишда ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Сайдулла ШОБЕРДИЕВ, ДХХ Чегара қўшинлари хизматчиси.

Шифкор маслаҳати

НОГИРОН ФАРЗАНД

ёҳуд унинг туғилишини олдини олишнинг асосий омиллари

Хонадонида ногирон фарзанди бор ота-онани бир кўз олдингизга келтиринг? Ногирон фарзанд бутун умр ота-онасига, оғайниларига азоб-укубат олиб келади. Бир умр ногирон боқишдан ортиқ заҳмат бўлмайди. Халқимизда шундай нақл бор: касал боққан одамни соғ дема, у ҳам қайғу билан касалдир шу чоқ.

Фарзандлар ногирон туғилмасин десангиз, ҳар бир ота-она, келин-куёв ва унинг оғайнилари соғлом турмуш таомилларига амал қилишлари, зарарли одатлардан сақланишлари керак. Зотан, чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка мойил бўлмаслик зарур. Бундай зарарли одатлар одамнинг ўзи ва унинг атрофидаги кишилар соғлигига жиддий эиён етказиш билан бирга зурриёди-га ҳам жиддий зарар етказади.

Ичкилик, гиёҳвандлик оқибатида қўпинча бола ўлик туғилади ёки турли хил жисмоний ва ақлий нуқсонлар билан туғилиши мумкин. Ҳомила пайдо бўлгандан бошлаб 70 кунгача бўлган вақт оралиғи ҳада нозик давр ҳисобланади. Чунки бу вақтда боланинг асосий аъзо тўқималари пайдо бўла бошлайди. Бу вақтда таъсир этувчи ҳар қандай зарарли омил ҳомилага туғма нуқсонлар олиб келиши мумкин. Шундай экан, бўлажак она организмни ҳомила пайдо бўлгунча қадар ва ҳомиладорлиқнинг, айниқса, бошланғич даврида назорат ва парвариш қилиш турли хил зарарли одатлардан, сурункали ва юқумли касалликлардан, камқонлик, йод етишмаслиги, бруцеллёз, гепатит, токсоплазмоз ва бошқа жинсий юқумли касалликлардан сақлаш зарур, бу эса соғлом фарзанд туғилиши гаровидир.

Ҳомиланинг нормал кечиши

So‘ragan edingiz

Qanday holatlar mualliflik va turdosh huquqlar buzilishiga olib keladi?

O‘zbekiston Respublikasining 2006-yil 20-iyulda qabul qilingan O‘RQ-42-son Qonuniga ko‘ra, mualliflik huquqi va turdosh huquqlarni buzilishga quyidagilar kiradi:

mualliflarning shaxsiy nomulkii huquqlarini buzish;

ijrochining ismi-sharifga bo‘lgan va ijroni har qanday tarzda buzib ko‘rsatilishidan yoki har qanday boshqacha tarzda tajovuz qilinishidan himoya qilish huquqlarini buzish;

haq to‘lash to‘g‘risidagi talablarni buzish; asarlardan yoki turdosh huquqlar ob‘ektlaridan huquq egasi yoki mulkiiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot bilan tuzilgan shartnoma bo‘yicha olingan huquqlarni oshirib yuborgan holda foydalanish;

huquq egalaringin mulkiiy huquqlarini boshqacha tarzda buzish.

Asarlarning va turdosh huquqlar ob‘ektlarining takrorlanishi yoki tarqatilishi mualliflik huquqi va turdosh huquqlarni buzgan holda amalga oshiriladigan nusxalari kontrafakt nusxalar hisoblanadi.

V.NAZAROV, Termiz shahar adliya bo‘limi YXKM bosh yuriskonsulti.

Davlat organlari va tashkilotlarida korrupsiyaga murosasiz munosabat shakllantirildi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2025-yil 21-aprelda “Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari mustaqilligini ta’minlash hamda faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-147-son qaror imzolangan edi.

Qarorga ko‘ra, davlat organlari va tashkilotlaridagi korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalarining ustuvor vazifalari etib quyidagilar belgilandi, jumladan:

korrupsiya holatlarini barvaqt aniqlash va ularning oldini olish, ularga imkon beruvchi sabab va shart-sharoitlarni bartaraf etish; davlat xizmatlari berar ta’ratishda korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish, maishiy korrupsiyaning oldini olish, shu jumladan, raqamlashtirish, byurokratiyani qisqartirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish.

Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari o‘z faoliyatida bevosita tashkilotning birinchi rahbariga bo‘ysunadi va uning oldida hisobdor bo‘ladi.

S.SHARIPOV, Termiz shahar adliya bo‘limi YXKM bosh yuriskonsulti.

O‘zbekiston Respublikasi aralash saylov tizimi qaysi vakillik organlari saylovlarida qo‘llaniladi?

2023-yil 18-dekabr kuni qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga saylov va referendum o‘tkazish tartibini yanada takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonuni bilan Saylov kodeksi va amaldagi yettita qonunga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritildi.

Qonunchilikka ko‘ra, Mamlakatimizda Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlari saylovi aynan aralash saylov tizimi asosida o‘tkaziladi. Bunda Qonunchilik palatasining 75 nafar

deputati bevosita bir mandati saylov okruglaridan, qolgan 75 nafar deputat yagona saylov okrugi bo'yicha siyosiy partiyalarning saylovda olgan ovozlari soniga proporsional tarzda, partiya tomonidan taqdim etilgan deputatlikka nomzodlar ro'yxati asosida saylanadi.

S.SAYFIDDINOV, Termiz shahar adliya bo‘limi YXKM boshlig‘i.

Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yer uchastkalariga ijara huquqini kredit ta‘minoti sifatida garovga qo‘yish tartibi belgilandi

Hukumat qarori (2025-yil 30-sentabrdagi 613-son) bilan “Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yer uchastkalariga ijara huquqini kredit ta‘minoti sifatida garovga qo‘yish tartibi to‘g‘risida”gi nizom tasdiqlandi.

Nizomga ko‘ra, ijaraga oluvchi faqat qonunchilikda yoki ijara shartnomasida nazarda tutilgan hollardagina yer uchastkasiga bo‘lgan ijara huquqlarini ijaraga beruvchining roziligisiz garovga qo‘yishga haqli. Yer uchastkasiga ijara huquqini garovga olgan holda kredit berish tartibi kredit tashkiloti tomonidan ichki qoidalarga muvofiq mustaqil belgilanadi.

Kredit tashkiloti tomonidan kredit ta‘minoti sifatida ijara huquqi yer uchastkasining ijaraga berish muddati va yer uchastkasining bozor qiymatidan kelib chiqib garovga olinadi. Bunda garovga qo‘yilayotgan yer uchastkasining ijara huquqi muddati kreditni qaytarish muddatidan kamida 5 yildan ortiq bo‘lishi lozim.

Yer uchastkasiga ijara huquqi garovini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish Davlat kadastrlari palatasining tuman (shahar) filiali tomonidan amalga oshiriladi. Yer uchastkasiga ijara huquqini garovga qo‘yuvchi tugatilganida, garovga oluvchi garov narasiga muddatidan oldin undiruv qaratish huquqiga ega.

S.AKRAMOV, Termiz shahar adliya bo‘limi YXKM bosh yuriskonsulti.

Joriy yil 4-sentabrda “Qishloq xo‘jaligi sohasida qo‘shilgan qiymat soliq‘ini hisoblashning soddalashtirilgan tartibini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-153-son Farmoni qabul qilindi

2026–2027-yillarda qishloq xo‘jaligi sohasida rasmiy tovar aylanmasini kamida 3 baravar oshirish Farmonni qabul qilishdan ko‘zlangan asosiy maqsad etib belgilandi. Farmonga ko‘ra, 2026-yil 1-yanvardan:

qishloq xo‘jaligi tovar ishlab chiqaruvchilari tomonidan yetishtirilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari realizatsiyasi uchun QQSning “nol” stavkasi joriy qilinadi;

qishloq xo‘jaligi tovar ishlab chiqaruvchilariga QQS summasi o‘rmini qoplash (qaytarish) 3 kunda avtomatlashtirilgan tarzda amalga oshiriladi.

Bundan tashqari, 2026-yil 1-yanvardan ishlab chiqilgan tovarlarni aynan 1 ta yetkazib berish zanjiri bo‘yicha QQS summasini hisobga olishda elektron hisobvara-q fakturalarni xavf darajasiga qarab real vaqt rejimida avtomatlashtirilgan tarzda tahlil qilish tizimi joriy qilinadi.

Bunda yuqori xavf darajasiga ega elektron hisobvara-q fakturalarning ulushi hisobot davrida rasmiylashtirilgan jami elektron hisobvara-q fakturalar sonining 10 foizidan oshmasligi nazarda tutildi.

J.NAZAROV, Termiz shahar adliya bo‘limi YXKM bosh yuriskonsulti.



Мозий мўъжизаси

Одатда дам олиш кунлари қиладиган ишларим режаси- ни имкони борича жума куни тузиб қўяман. Бу гал ҳам шун- дай бўлди. Бироқ эрталабки нонуштадан сўнг мўлжаллаган ишларимни бажармоқчи бўлиб турганимда Бегойим, Гулҳаё ва Матлуба кизларим ёнимга келишиб, дадажон, биз- ни “Қирққиз” қалъасига зиё- ратга олиб боринг, дея илти- мос қилишди. Райларидан ўтолмадим. Майли, дея қўлим- даги болга ва михларни тоқ- чага қўяр эканман, тезда кийи- ниб тайёр бўлишларини таъ- кидладим.

Очиғи, “Қирққиз” қалъаси ҳақида кўп эшитганман, аммо иш ва юмушлар билан бўлиб бирор марта бормаганман. Кизларим тақлифи менга ҳам маъқул келди. Шу баҳона мо- зийнинг бу мўъжизасини кўриб қайтаман, деган хаёл ўтди. Термиз туманидаги На- муна кишлоғи кўчаларидан ўтарканман, йўл четидаги дўкон сотувчиларидан “Қирқ- қиз” қалъаси мажмуаси ман- зилини янада аниқлаштириб олишга ҳаракат қиламан. Улар кўрсатган йўл томон машина

«ҚИРҚҚИЗ» ҚАЛЪАСИГА САФАР

рулини бураман. 15 километр- дан сўнг катта йўл ёқасида “Қирққиз” қалъаси деб ёзил- ган белгидан ўнгга қайрили- шимни тайинлашади. Миннат- дорчилик билдириб, манзилга ошиқамиз. Йўлнинг ўнг чети- даги каттагина олмазор бог- лар тугаши билан сизни са- лобат тўкиб турган даврлар силсиласига гувоҳ бўлган, IX-X асрларда бунёд этилган “Қирқ- қиз” мажмуаси қарши олади. Қадимий обида тарихи билан яқиндан танишар экансиз, бе- ихтиёр ўша давр кўз ўнгизда гавдалана бошлайди.

Дарҳақиқат, бу кўхна замин не-не киргинбарот урушлари бошидан кечирмаган дейсиз? Тарих ўша тўфонли йиллар- нинг тўс-тўполонли воқеалари- ни бағрига жойлаб, зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаган. Та- рих бунга шохид ва гувоҳдир. Ўз халқининг тинчлиги йўлида улуг аждодларимиз куч ва ма- тонати орқали Ватан ободли- ги ва озодлиги йўлида жон бериб жон талашган. Бу йўлда қанчадан-қанча забардаст бо-

тир ўғлонларимиз душманга кўксини қалқон қилиб, халқи- нинг эрки ва осойишталиги йўлида жонини қурбон қилма- ган. Миллат шаъни, ҳурлиги, эрки ва озодлиги ўз-ўзидан қўлга киритилмаган. Бу ёвга тик бокиб, қўлига қурол олиб юртини ҳимоя қилган, душ- манни диёридан қувган баҳо- дирларнинг музафғарлигидан бунёд бўлган Ватандир!

Қадим қадриятларга бой халқимизнинг маънавий ме- роси, анъана ва урф-одатлари йиллар, асрлар ўтса-да, ўз оҳорини йўқотгани йўқ. Аксин- ча, йил сайин сайқалланиб ри-

уни малика Гулоийм ва унинг қирқ нафар қанизақлари кўчманчиларга ҳужум қилган ҳолда мардонавор курашганли- ги ҳақидаги машҳур халқ аф- сонаси билан боғлайди. Маж- муа 54 метр бўлган гиштин де- ворли квадрат бинодир. Ўша даврда бино ҳар томондан куч- лани миноралар билан ҳимоялан- ган. Кўркам бино иккита бўлак билан кесиб ўтилиб, уни тўртта тенг қисмга ажратади. Бино- нинг ўртасида кичик ҳовли бўлиб, баъзи олимларнинг фикрига кўра, у гumbаз билан қопланган. Бошқа бир олимлар эса буни очиқ ҳовли деб ҳисоб-

туфайли қалъа номи аҳоли томонидан “Қирққиз” номини олади.

Бугун ушбу маскан обод бўшага айлантирилган. Бу ерга маҳаллий аҳоли билан бирга- ликда хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюриб зиёрат қили- шади, обиданинг сир-синаот- лари билан яқиндан таниши- шади. “Қирққиз” қалъаси маж- муасининг ўзига хос гум- базлари, деворлари билан та- нишиш жараёнида Хитой Халқ Республикасидан ташриф бу- юрган сайёҳларга кўзимиз туш- ди. Ҳаяжонини яшира олмай галма-галдан бино кўринишлар- ини фотосуратларга муҳрла- ётган кизларга рус тилида му- рожаат қилдим. Афсуски, улар ўз тилида нималарнидир га- пириб “Китай-китай” деганча жилмайиб юзимга тикилди. “Инглиш” дея бир сўзни так- рорлади. Вазиятдан чиқши мақсадида имо-ишора билан инглиз тилини билмаслигим- ни тушунтираман. Сўнгра “ОК” дейишдан бошқа чора топма- дим. Инглиз тилини билмас- лигимдан афсусландим. Кетар чоғимда қўлимни кўксимга қўйганча хайрлашар эканман, юзидagi илик табассум билан улар ҳам ўз навбатида менинг ҳаракатимни такрорлашиб, жажжи бармоқчаларида хайр ишораси билан қўл силкиш- ди.

Мозийдан сўзлаётган бу кўхна обидани кўриш, тарихи билан яқиндан танишиш иста- гида неча минг километр ма- софани босиб келган бу икки хорижлик кизларга ич-ичимдан тасанно айтдим. Қолаверса, воҳамиз ҳудудида жойлашган ана шундай ажиб бир маскан- ни кўришга, зиёрат қилишга ундаган кизларимга мингдан- минг раҳмат айтдим.

Сайдулла ШОБЕРДИЕВ.

Моziyга sayohat

Milliy qadriyatlar—millat faxri



Juma – Milliy qadriyatlar kuni munosabati bilan tumanimiz hududidagi Sopollitepa yodgorligiga sayohat tashkil etildi.

Sayohatda Surxondaryo viloyati ilg'or kasbiy mahorat texnikumi (sobiq Muzrabot tumani politexnikumi) o'quvchilari faol ishtirok etishdi. Ular qadimiy Sopollitepa yodgorligi tarixi, ajdodlari- nizing bo'y madaniy merosi va o'sha davr hayot tarzi bilan yaqindan tanishishdi.

Tadbir tarix fani o'qituvchisi tashabbusi bilan o'tkazildi. U o'quvchilarga Sopollitepa yodgorligining o'ziga xos jihatlari, qadimiy me'morchiligi hamda xalqimizning boy tarixi ildizlari haqida batafsil ma'lumotlar berdi.

Bu kabi sayohatlar yoshlar qalbida vatanparvarlik, milliy g'urur va qadriyatlarni asrash tuyg'usini yanada mustahkamlaydi.

Shaxboz XURRAMOV, texnikumning tarix o'qi- tuvchisi.

Ҳарбий ватанпарварлик

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»



Музработ тумани худуди- да жойлашган Давлат хавф- сизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳар- бий бўлинмалардан бирида ёшлар учун “Очиқ эшиклар кун”и тadbiri бўлиб ўтди.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзuida ташкил этилган бу тadbirга тумандаги 31- ва 45-мумтаълим мактаблари- нинг ўқувчилари ташриф бу- юрдилар. Жараёнда ёш ав- лод вакиллари давлат чега- расини кўриқлашда кўлла- ниладиган ҳарбий техника-

лар ва қурол-ярoғлар, улар- нинг имкониятлари ҳамда ҳарбийлар учун яратилган шарт-шарoитлар билан ба- тафсил таништирилди.

Энг муҳими, тadbирда қатнашган ёшлар Ватан ҳимоячиси бўлишдек ша- рафли ва масъулиятли касб эгаси бўлишни ўзла- рига эзгу мақсад қилиб кўйдилар.

Лейтенант М.САИДАЛИЕВ, ДХХ Чегара қўшинлари зо- бити.

Мухим демографик тadbir

Aholi va qishloq xo'jaligini ro'yxatga olish jaroyonga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish tartibi belgilandi

2025-yil 19-sentyabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida aholi va qishloq xo'jaligini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazish to'g'risida"gi 173-sonli Farmoni qabul qilingan edi.

Ushbu farmonga ko'ra, O'zbekistonda yashab kelayotgan barcha aholini hamda qishloq xo'jaligini ro'yxatga olish 2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga qadar o'tkaziladi. Shuningdek, ro'yxatga olish tadbirini o'tkazishni tashkil etish bo'yicha respublika komissiyasi tuziladi. Ro'yxatga olish tadbiri "mahalla yettiligi" tizimi xodimlarini 2026-yil 15-dekabrda bo'lgan davrda jalb etish orqali o'tkazilishi belgilandi. Bunda O'zbekiston

maydoni aholi va qishloq xo'jaligini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazish to'g'risida"gi 173-sonli Farmoni qabul qilingan edi. Ushbu farmonga ko'ra, O'zbekistonda yashab kelayotgan barcha aholini hamda qishloq xo'jaligini ro'yxatga olish 2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga qadar o'tkaziladi. Shuningdek, ro'yxatga olish tadbirini o'tkazishni tashkil etish bo'yicha respublika komissiyasi tuziladi. Ro'yxatga olish tadbiri "mahalla yettiligi" tizimi xodimlarini 2026-yil 15-dekabrda bo'lgan davrda jalb etish orqali o'tkazilishi belgilandi. Bunda O'zbekiston

Shuningdek, davlat organlari va tashkilotlarida 2026-yil 15-yanvardan 31-yanvargacha o'z tizimida faoliyat yuritayotgan barcha xodimlarning census.stat.uz portalida ro'yxatdan o'tkazilishi belgilab berildi. Bundan tashqari, farmonda tuman (shahar)larda ro'yxatdan o'tkazishda shabtlar tashkil etilishi va ularning faoliyati nazorat qilib borilishi ko'rsatib o'tilgan.

Faxriddin NEMATOV, tuman adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i v/b.

Amanov Asror Panjiyevichga tegishli 1986 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 RA 701 bo'lgan traktorga 2022-yil 4-iyulda Muzrabot tumani "Davtexnazorat" inspeksiyasi tomonidan berilgan UZ-AA 206626 raqamli texnik pasport yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**



Fan olimpiadalari

G'oliblari taqdirlandi

Muzrabot xizmat ko'rsatish va servis texnikumida fan olimpiadalarida g'olib bo'lgan o'quvchilarni taqdirlash marosimi bo'lib o'tdi.

Tadbirda Durdona Odilova ingliz tilidan faxrli 1-o'rinni egallab, viloyat bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritgani uchun, Laylo Nomozova, Mohinur Salohiddinova, Nozima G'afforova va Xosiyat Xushbaqovalar ingliz tili fanidan "B-2" sertifikatlarini olganliklari uchun texnikum direktori X.Mamataliyev va

uning o'rinbosari I.Norma- matov tomonidan "Faxriy yorliq" va qimmatbaho esdalik sovg'alar bilan taqdirlandilar.

Shuningdek, bir qator o'quvchilarga sport musoba- qalarida erishgan yutuqlari uchun esdalik sovg'alari va «Maqto'v yorlig'i» top- shirildi.

Bahrom MAMATQULOV, Muzrabot xizmat ko'rsatish va servis texnikumi o'qituvchisi.

Stress omillari

Foydali va salbiy oqibatlar

yoxud uning inson salomatligiga ta'siri xususida

Zamonaviy hayot sur'atining oshishi bilan birga, insoniyat stress omillari bilan tobora ko'proq to'qnash kelmoqda. Stress — bu organizmning tashqi yoki ichki og'irliklarga (stressorlar) javoban ko'rsatadigan psixofiziologik holati bo'lib, u qisqa muddatda foydali bo'lishi mumkin, ammo uzoq muddatli stress sog'liq uchun salbiy oqibatlarga olib keladi. Quyida stressning turlari, ularning inson organizmiga ta'siri va stressni boshqarish usullari tahlil qilinadi.

Stress tushunchasi va uning turlari

Stress atamasi ilk bor 1936-

yilda Gans Selye tomonidan ilm-fanga kiritilgan. U stressni organizmning har qanday talablarga nisbatan moslashuv javobi deb ta'riflagan. Stress ikki asosiy turga bo'linadi:

- eustress - foydali, ijobiy stress (masalan, musobaqa oldidan bo'ladigan ruhiy

ko'tarinkiilik)

- distress - zararli, salbiy stress (doimiy bosim, tashvish, xavotir)

Stressning fiziologik ta'siri

Stress holatida organizmda bir qator fiziologik o'zgarishlar ro'y beradi: yurak urishi tezlashadi, qon bosimi oshadi, kortizol (stress gormoni) darajasi ko'tariladi. Bu holat qisqa muddatda foydali bo'lishi mumkin, ammo uzoq davom etsa, yurak-qon tomir kasalliklari, immunitetning pasayishi, uyqu buzilishi va boshqa sog'liq muammolariga olib keladi.

Stressning psixologik ta'siri

Doimiy stress holati inson psixikasida ham salbiy o'zgarishlarga olib keladi. Bunga xavotirli holatlar, depressiya, konsentratsiya qobiliyatining pasayishi va ijtimoiy aloqalardan chekinish

Abdimuminov Bobur Azamatovichga 2017-yil 16-martda berilgan "V" toifali AD № 599407 raqamli haydovchilik guvohnomasi va uning O'z'R № 3763407 raqamli ogohlantirish taloni yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Xudoyberganov Sherali Jumamu- rodovichga 2018-yil 21-aprelda berilgan "V,S" toifali AA № 0276874 raqamli haydovchilik guvohnomasi hamda unga tegishli 2021-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 F № 240 RA bo'lgan "KOBALT GS 16 MGB plus" rusumli engil avtomobilga berilgan AAG № 1394779 raqamli transport vositasini qayd etish guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Jumaqulov Sherali Jumaqul o'g'liga 2022-yil 22-iyunda berilgan "V,S,SE" toifali AF № 5207044 raqamli haydovchilik guvohnomasi hamda unga tegishli 2018-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 U № 136 AB bo'lgan "SPARK" rusumli engil avtomobilga avtotransport vositasini qayd etish guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Rajabov Abdiraxim Shodimax- matovichga 1989-yil 14-iyunda berilgan ABM № 680420 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Maxmudov Ma'muri Ixtiyorzodaga 2018-yil 22-dekabrda berilgan DL000 1071033 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

etish guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Sarikova Zebiniso Raxmonovnaga tegishli 2016-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 S № 645 SA bo'lgan "KOBALT LS" rusumli engil avtomobilga 2023-yilda berilgan AAG № 1585501 raqamli avtotransport vositasini qayd etish guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Karimov O'rol Yunus o'g'liga 2019-yilda berilgan AF № 1055509 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Rajabov Abdiraxim Shodimax- matovichga 1989-yil 14-iyunda berilgan ABM № 680420 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Maxmudov Ma'muri Ixtiyorzodaga 2018-yil 22-dekabrda berilgan DL000 1071033 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni,
Amir Temur ko'chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-2230 nusxada bog'liq. Qo'g'uz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi S.Qulboboyev.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Sypxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti — 14-00. Topshirildi — 14-00